ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2026 йил 27 октябрь куни, жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси, Кармана туман “Талқоқ” МФЙ биносида бўлиб, судья З.Жумаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Р.Амирқуловнинг котиблигида, тарафлардан - давлат айбловчиси Кармана туман прокурорининг ёрдамчиси М.Баҳодиров, жабрланувчи Ф.Рузимуратова ва судланувчи Ф.Журақуловларнинг иштирокида, Журақулов Фаррух Ойбек ўғлига нисбатан юритилган 1-2106-2601/195-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

1999 йил 15 майда Навоий вилояти, Навбаҳор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, “NAV-SHIRIN-DIYOR” ОК раҳбари, муқаддам жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг 21.06.2023 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилган, Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, “Халоваттепа” МФЙ, Ўрикзор кўчаси, 16-уйда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 09 сентябрь куни олган **Журақулов Фаррух Ойбек ўғли** (Juraqulov Farrux Oybek o‘g‘li)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми, 126^1-моддаси 3-қисми ва 140-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ф.Журақулов, муқаддам жиноят ишлари бўйича Конимех тумани судининг 02.06.2026 йилдаги қарорига асосан МЖтКнинг 41-моддаси ва 52-моддаси 2-қисмида назарда тутилган тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этиб, жавобгарликка тортилган бўлишига қарамасдан, у 2026 йил 27 июнь куни соат 22:30ларда, шаръий никоҳ асосида бир оила бўлиб яшаб келган Ф.Рузимуратованинг яшаш хонадони, яъни Навбаҳор тумани “Бешрабод” МФЙ, Бобуршоҳ кўчаси, 7-уй, 1-хонадонига бориб, у билан ўзаро жанжаллашиб, уни турли ҳақоратли сўзлар билан ҳақорат қилиб, ўзи билан олиб келган балгаркани Ф.Рузимуратовага тўғрилаб, уни ўлдириш билан қўрқитиб, унга ҳамла қилган вақтда балгарка Ф.Рузимуратованинг чап қўлини кесиб кетиб, Ф.Рузимуратовага “Енгил” шикаст етказган.

Hujjat imzolangan: Jumayev Zohidjon Barotovich, 31.10.2026

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Навоий филиалининг 2026 йил 20 июлдаги 300-сонли хулосасига кўра, Ф.Рузимуратовада “ўнг билак, ўнг сон соҳаларидаги қонталаш, чап қўл 4-бармоқ 1-фалангаси соҳасидаги лат яра, чап қўл 3-бармоқ 1-фаланга соҳасидаги шилинма” каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, мазкур тан жароҳатлари соғлиқнинг қисқа вақтга, яъни 6 кундан кўпроқ 21 кундан камроқ муддатга соғлигини бузилишига сабаб бўлган “Енгил” тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Судда судланувчи сифатида сўроқ қилинган Ф.Журақулов, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ўзининг кўрсатувида, 2023 йилда Ф.Рузимуродова билан ўзига тегишли бўлган автомашинада йўл-транспорт ҳодисасига учраб, унга тан жароҳати етганлиги сабабли уни даволатиб, кейин у билан ўзаро шаръий никоҳ асосида яшашганлиги, у 2025 йилнинг сентябрь ойида Россия давлатига ишлаш учун кетганлиги, у Россияда бўлганида Ф.Рузимуродовани бошқа эркаклар билан алоқаси борлигини билиб қолиб, у билан ўртасида ўзаро келишмовчиликлар бўлганлиги, у Ўзбекистонга келганидан кейин, Ф.Рузимуродова ишлаётган гўзаллик салонига бориб, унга ўзаро гаплашиб олишишни айтганида, у билан тортишганлиги сабабли у уни қўлидан тортиб чиқиб, ҳақорат қилганлиги, Ф.Рузимуродова уни устидан ариза билан мурожаат қилганлиги, шундан кейин 2026 йилнинг 02 июнь куни жиноят ишлари бўйича Навбаҳор тумани суди томонидан унга МЖтКнинг 41-моддаси ва 52-моддаси 2-қисми билан жарима жазоси қўлланилганлиги, у янги оила қуриб яшамоқчи бўлганлиги сабабли Ф.Рузимуродованинг уйига ота-онаси ва ўзи билан гаплашиб орани очиш учун 2026 йилнинг 27 июнь куни Ф.Рузимуродованинг Навбаҳор тумани, “Бешрабод” МФЙ, Бобуршох кўчаси, 7-уй, 1-хонадонига борганлиги, у гаплашиб олиш учун келганлигини айтганида отаси уни гапига қулоқ солмасдан, уни уйидан чиқариб юборганлиги сабабли, у жаҳл устида Ф.Рузимуродовани қўрқитиб қўйиш учун ва уни қайта безовта қилмаслиги учун автомашинасидан батареяли балгаркасини олиб, уларнинг уйига қайтиб кириб, балгаркани ёқиб, бир маротаба уни ишлатганлиги, шу вақтда балгарка Ф.Рузимуродованинг қўлига бехосдан тегиб кетганлиги, у қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва Ф.Рузимуродовадан кечирим сўрашини баён қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ф.Журақулов эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, кўрсатувлар берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида текширилган ва тўпланган қуйидаги далиллар билан ҳам тўлқи ўз исботини топди. Жумладан:

-суд мажлисида жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган Ф.Рузимуратова, у 2022 йилда Ф.Журақулов билан танишиб қолиб, унга оила қуришни таклиф қилганлиги, у рози бўлганлиги, шундан кейин Ф.Журақулов Россия давлатига ишлаш учун кетганлиги, у билан ижтимоий тармоқ орқали гаплашиб турганлиги, Ф.Журақулов Россия давлатида ҳам у билан ўзаро тортишиб, уни бузуқликда айблаб, Ўзбекистонга келган вақтида уни ўлдиришини айтиб юрганлиги, Ф.Журақулов 2026 йилнинг май ойида Ўзбекистонга қайтиб келганидан сўнг, у ишлаётган гўзаллик салонига келиб,

Hujjat imzolangan: Jumayev Zohidjon Barotovich, 31.10.2026

уни турли ҳақоратли сўзлар билан ҳақорат қилиб, уриб тан жароҳати етказганлиги сабабли у унинг устидан ариза билан ИИБга мурожаат қилганидан сўнг, 2026 йилнинг 02 июнь куни жиноят ишлари бўйича Навбаҳор тумани суди томонидан Ф.Журақуловга жарима жазоси қўлланилганлиги, шундай бўлса ҳам орадан кўп вақт ўтмасдан яъни 2026 йил 27 июнь куни соат 22:00ларда, Ф.Журақулов унинг ижара асосида яшайдиган Навбаҳор тумани, “Бешрабод” МФЙ, Бобуршоҳ кўчаси, 7-уй, 1-хонадонига келганлиги, шунда отаси ва укаси уни кетишини айтиб, чиқариб юборишганлиги, шундан кейин Ф.Журақулов унинг уйига қўлида батареяли балгарка қурилмаси билан қайтиб кириб келиб, уни ўлдиришини айтиб, балгаркани ишлатиб қўрқитиб, яқинлаштирган вақтида, у чап қўли билан ўзини ҳимоя қилаётганида балгарка қўлининг бармоқларига тегиб жароҳат етказганлиги, ҳозирги кунда унинг соғлиги яхшилигини, Ф.Журақуловга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб берган кўрсатувлари билан;

-суд мажлисида гувоҳ сифати сўроқ қилинган Б.Тоғаевнинг, Ф.Рузимуродова унинг қизи эканлиги, қизи 2024 йилда Ф.Журақулов билан бирга яшай бошлаганлиги, уларнинг қандай ва қанча вақт яшаганлигини билмаслиги, кейин Ф.Журақулов ишлаш учун Россия давлатига кетганлиги, у кетгандан сўнг қизи билан ўзаро тортишувлар бўлганлиги, у тортишувларининг аниқ сабабини ҳам билмаслиги, Ф.Журақулов 2026 йилнинг май ойида Ўзбекистонга қайтиб келгач, қизи билан ўзаро тортишиб, уни ҳақорат қилиб урганлигини, қизи бу ҳолат бўйича ИИБга ариза билан мурожаат қилганлиги, жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман суди томонидан Ф.Журақуловга жарима жазоси қўлланилганлиги, шундан кейин ҳам Ф.Журақулов ўзига тегишли хулоса қилмасдан 2026 йилнинг 27 июнь куни қизининг “Бешрабод” МФЙ, Бобуршох кўчаси, 7-уй, 1-хонадонига бориб, қизини уйига кириб у билан гаплашиб олишни айтганлиги, у Ф.Журақуловга уйга киришга ҳақи йўқлигини ва қизини у билан гаплашадиган гап йўқлигини айтиб, уйга киритмаганлиги, шундан кейин орадан бироз вақт ўтиб Ф.Журақулов қўлида балгарка билан келиб, қизини ўлдириш билан қўрқитиб, унга ташланганида қизи Ф.Рузимуродованинг қўлини балгарка кесиб жароҳат етказганлиги, улар Ф.Журақуловнинг қўлидан балгаркани олишганлиги, Ф.Журақулов унга ўлдириш билан таҳдид қилмаганлиги, фақат қизи Ф.Рузимуродовани ўлдираман деб айтганлиги, шу куни Ф.Журақулов спиртли ичимликлар ичган ёки ичмаганлигини у билмаслигини баён қилиб берган кўрсатувлари билан;

-суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Ҳ.Рўзимуротовнинг, гувоҳ Б.Тоғаевнинг суддаги кўрсатувларига мазмунан ўхшаш алоҳида берган кўрсатуви билан;

бундан ташқари, судланувчи Ф.Журақуловнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар, Ф.Рузимуратованиг Навбаҳор тумани ИИБ бошлиғи номига ёзган аризаси, 2026 йил 27 июль куни “102”-рақамига Ф.Рузимуратова томонидан қилинган мурожаатлар, Республика суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази Навоий

Hujjat imzolangan: Jumayev Zohidjon Barotovich, 31.10.2026

филиалининг 2026 йил 20 июлдаги 300-сонли “Судга оид тиббий экспертизаси” хулосаси, 2026 йил 28 июлдаги воқеа жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, 2026 йил 28 июлдаги нарсани кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақида баённома, 2026 йил 29 июлдаги материални прокурорга юбориш тўғрисидаги ажрим, тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш баённомалари ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Суд, юқорида қайд этилган далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, улар ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда олинган бўлиб, уларни ишончга сазовор объектив далиллар деб топиб, судланувчи Ф.Журақуловнинг айбини исботловчи мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Журақуловнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми, 126^{1}-моддаси 3-қисми ва 140-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ф.Журақуловга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини ва жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” -деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи Ф.Журақуловга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини ва жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, у айбланаётган

Hujjat imzolangan: Jumayev Zohidjon Barotovich, 31.10.2026

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми, 126[1]-моддаси 3-қисми ва 140-моддаси 1-қисми санкцияларида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни ҳамда ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил ўташ учун жарима жазосини тайинлашни;

шунингдек, ҳукм қонуний кучга киргач, Ф.Журақуловга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 16-бандида, яъни “Судлар шуни назарда тутишлари керакки, жарима тариқасидаги жазо тайинланганда ҳукмнинг қарор қисмида жарима миқдори билан бир қаторда унинг жиноят содир этилган вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган, пул бирлигида ифодаланган жами суммаси ҳам кўрсатилиши лозим”-деб белгиланган талаблари асосида судланувчи Ф.Журақуловга нисбатан жарима миқдорини белгилашда у томонидан 2026 йил 27 июнда ушбу жиноят содир этганлиги сабабли, унга нисбатан 2026 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан, яъни 412.000 сўмдан келиб чиққан ҳолда жарима миқдорини белгилашни;

бундан ташқари, жабрланувчи Ф.Рузимуродованинг судланувчи Ф.Журақуловга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, жиноят ишида ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилиб, Навбаҳор туман ИИБ ашёвий далилларни сақлаш хонасига вақтинча сақлаш учун топширилган 1 (бир) дона арра тишли балгаркани, 1 (бир) дона ошхона пичоғини ва 1 (бир) дона ёстиқни белгиланган тартибда йўқ қилишни;

Ф.Журақуловга тегишли бўлган “Redmi” русумли телефон аппаратини тилхат асосида ўзига қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Судланувчи Ф.Журақуловга дастлабки тергов ва суд мажлисида ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тушунтириш жараёнлари ёзилган 2 (икки) дона “DVD+R” дискларни ушбу жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 460, 463, 465-468, 472-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Журақулов Фаррух Ойбек ўғли (Juraqulov Farrux Oybek o‘g‘li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми, 126[1]-моддаси 3-қисми ва 140-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга:

-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баравари *(10x412.000=4.120.000)* миқдорида, яъни 4.120.000 (тўрт миллион бир юз йигирма минг) сўм жарима жазоси;

Hujjat imzolangan: Jumayev Zohidjon Barotovich, 31.10.2026

-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126^1-моддаси 3-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари *(30x412.000=12.360.000)* миқдорида, яъни 12.360.000 (ўн икки миллион уч юз олтмиш минг) сўм жарима жазоси;

-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 (ўттиз) баравари *(30x412.000=12.360.000)* миқдорида, яъни 12.360.000 (ўн икки миллион уч юз олтмиш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Журақулов Фаррух Ойбек ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил тўлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 (ўттиз беш) баравари миқдорида, яъни 14.420.000 (ўн тўрт миллион тўрт юз йигирма минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Ф.Журақуловга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, Навбаҳор туман ИИБ ашёвий далилларни сақлаш хонасига сақланаётган 1 (бир) дона арра тишли балгарка, 1 (бир) дона ошхона пичоғи ва 1 (бир) дона ёстиқлар белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ф.Журақуловга тегишли бўлган “Redmi” русумли телефон аппарати тилхат асосида ўзига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи Ф.Рузимуродованинг судланувчи Ф.Журақуловга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Судланувчи Ф.Журақуловга дастлабки тергов ва суд мажлисида ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тушунтириш жараёнлари ёзилган 2 (икки) дона “DVD+R” дисклар ушбу жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида, ушбу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья **З.Жумаев**

Hujjat imzolangan: Jumayev Zohidjon Barotovich, 31.10.2026